

Шаходат Убайдуллаева Зайнабидиновна

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар 10- ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Аннотация : *Тилнинг бойлиги, тилнинг тараккиёти ва ундаги сузлар сонининг жилоси билан богликлиги хусусида. Сузни уз урнида кулай билиш, инсонлар уртасидаги рухий-маънавий богкликнинг тил оркали эканлиги.*

Калит сузи : *Суз сабок-суз таёк, суз билим-суз олқиш.*

Хар миллат уз тили ва маданияти билан кучли. Мамлакатимиз жаҳонга юз тутаётган бир паллада тил билиш - истиқбол сари дадил қадамдир. Ҳар бир халк, миллат ўз тили ва маданияти билан кучлидир. Ўзбекистоннинг 1-Президенти марҳум И.А.Каримов «Ўз тилини йўқотган миллат, ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар» деб уқтирган эдилар. ўз тилимизни софлигини, унинг таъсирчанлигини сақлаган ҳолда ўзбек тилининг гўзаллигини намоиш этиш учун, унинг бой ифода воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланишимиз бизнинг маданиятимизда намоён бўлади. Ўзбек тилининг давлат тили мақомига ўтиши ўзлигимизни англаганимиздан маънавийтимиз, маданиятимизни дилдан ҳис этаётганимиздан далолатдир. Президентимизнинг саъй - ҳаракатлари билан олиб борилаётган одилona ҳаракатлар, таълим - тарбияга эътибор, халк фарзандининг билим салоҳиятини, иқтидорини дунёга кўрсатишимиз учун даъватдир. Тарихий меросларимизни сақлаш, маънавий бой меросларимизни кўз қорачиғидек асраш, маънавият деган тушунчани ўзимиздан ўрганишимизни талаб этади. Тил оркали миллатнинг тарихи, маданияти, миллий ғурури намоён бўлади. Тилимизни асраб- авайлаш ўзлигимизни, тилимизни англаш демакдир. Тилимизнинг жозибadorлиги, гўзаллиги, таъсирчанлиги маънавий дунёимизни шакллантиришга йўл десак адашмаймиз. Ўсиб бораётган ёш авлодни тарбиялашда, унинг маънавий-маърифий савиясини оширишда албатта сўз сеҳри, унинг қудрати замин яратади. Ҳатто, Ҳадису - шарифда «Кичининг гўзаллиги унинг тилидан билинур», «Барча бало тилдандур» дея таърифланганлигида катта маъно бор. Тилимизнинг бойлигига тўсқинлик қиладиган, унинг жозибadorлигини бузадиган, тилимизни кўполлик билан, хар- хил тушунмас луғатлар билан бузилишига йўл қўймаслик лозим. Сўзлашув услуби деймизу тилимиздаги ғализлик, бошқа тил луғатларини аралаштириб сўзлашаётганимиз сир эмас. Тилимизнинг гўзаллигига, буюк бобокалонларимиз жуда чиройли таърифларни бериб, жозибador, луғатга бой деб сўз юритганлар. Тилимизнинг қадрининг баландлиги, бу бизнинг рухий қарашларимиз, маънавий сарчашмаларимиз -

нинг тиниқ ифодаси. Мукамаллик бу тилимизнинг пурмаънолиги, унда ишлатиладиган адабий санъатлар, иборалар, тасвирий ифодалар беихтиёр инсон қалбига зиё нурини сочади.

Ўз тилини йўқотиш - ўзликни, маънавиятни йўқотиш, жаҳолат жарлигига етаклайдиган йўлдир. Президентимизнинг ёш авлодни ўз тилини билиши билан бир қаторда, бошқа тилларни ўрганиши, уни ҳурмат қилиши, ўзлигимизни, обод келажагимизни дилдан ҳис этишга, комиллик сари йўл босишга бор кучларини сафарбар этишлари уқтирилгани сир эмас. Олиб борилаётган ташвиқот - тарвиқот ишларининг юқори савияда олиб борилишида инсон руҳиятига кириб борадиган, уни ўйлантирадиган, қалбига оро берадиган бўлиши билан бирга, олиб бориладиган муҳим ташаббуслар билан ҳамнафасликда олиб борилиши, албатта ёш авлодни тарихга, миллатга, ватанга, ўзлигини англашга ўргатади. Фарзандларимизни ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб улғайиши учун тилимизнинг бетакрорлиги, мустақил юрт эгалари бўлганимиздан сўнг, унинг салмоғини, кадрини буюк билишимиз керак. Адабиётимизнинг порлоқ юлдузи, қисқа давр ичида халқнинг қалбидан жой олган, шеърлари бизнинг юрагимизни ўртайдиган буюк сиймо М. Юсуфнинг шеърларидаги ўз шеваимизнинг минг жилоси, тилимизнинг жозибасини ҳеч бир сатр билан ҳам тугатиб бўлмаслиги, тарихий сиймоларимизнинг меросларининг тикланганлиги шоир учун бахт эди. Аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш бизнинг бурчимиз, шундай экан уларнинг нодир асарлари, гавҳарга тенг ҳикматли сўзлари бизнинг келажак йўлимизни ёритувчи бир маёқ десак адашмаймиз. Она тилининг қадрининг баландлигини сўз билан ифода этиб бўлмайди, зеро унинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш учун сўз сеҳрининг усталари, бугунги авлодга сал тушуниши мураккаброқ бўлиб кўринган умрбоқий хазиначиларни мерос қилиб қолдирганлар. Она тили яшаса, миллат яшайди. Ўз тилини унутган ўзлигини йўқотади, миллатини йўқотиб хор бўлади. Буюк сиймо, маънавий қарашларининг илдизи асрларга бориб тақаладиган мутафаккир А.Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» яъни «Икки тил муҳокамаси» асарини оладиган бўлсак, аввал ҳамду-санони яратганга айтди, чунки у тилни берди, шу билан бирга шукроналик айтиши учун унга ширали нутқни берди. Кўриниб турибдики, Муҳаммад алайҳиссалом шундай нотик бўлган эканларки, булбулдек нутқларига бошқа даъвогар овозлар бас келмаган экан. Сўз шундай гавҳарки, унинг дарёси кўнгиладир, ана шу дарёдан гавҳарни олиб чиқиш учун уддабуррон ғаввос керакдир. Ўз тилига беписандлик, келажакни кўра олмаслик, шу билан бирга тарихий меросларимизга, мозий эшикларидан илҳақликда қолган Қодирийу, Чўлпонларга, Авлоний билан Фитратларга ҳурматсизлик бўлади. Сўзлашув услубларимиздаги, ёзма нутқимиздаги хатоликларга барҳам беришимиз лозим. Чет тилларини ўрганиш, билим салоҳиятимизни оширади, лекин шу

билан бирга ўз она тилимиз қадрини баландлигини унутмаслигимиз, тадбир афишаларида, йўл - йўлакай осилган пештахтадаги хатоликларга кўз юмиб кетишимиз ,она тилимизнинг бебаҳо сўз хазинасидан ўринли фойдалана олмаганимизни кўрсатади. Нутқий саводхонликка эришиш эса , ҳар бир тил вакилининг бурчидир. Ҳадиси шарифдан маълумки, «Инсоннинг гўзаллиги унинг тилидан билинади» Миллат руҳининг кўзгуси - тил эканлиги ва бой маънавий ,дунёқарашларимизни , орзу- умидларимизни, ҳис- туйғуларимизни тараннум этиш учун гўзал тилимиздан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тили ўқитиш методикасидан бохабар устоз таълим сифатини ошириш учун биринчи навбатда ўзининг билим ,кўникма, малакаси юқори бўлиши керак. Таълим тизимида ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда она тилига ,фанларга қизиқиши, изланиш фазилатларини ўқувчиларнинг онгида шакллантириш учун долзарб вазифаларга айланган ўқувчиларнинг фикрли тизими, нутқини равон, аниқ ифодалай олиш кўникмасини ривожлантириши керак . Айниқса, онлайн таълимни олиб борилиши, уни амалда тадбиқ этилиши, ўқувчиларнинг назаридан четда қолган маънавий хазиналаримизни ўқиш билан бирга тарихий меросларимизга ҳурмат, тилимизга эътибор, маънавий қарашларимизни шакллантириш, энг муҳими замон билан ҳамнафасликка замин яратди. Она тилини ўқитилиши бу ҳаёт мактабининг эшигини очиш дегани, ҳаётда билиши шарт бўлган ўз фикрини мустақил билдира олиш, тўғри сўзлаш, ифодали ўқиш, оғзаки ва ёзма нутқнинг ривожланишига туртки бўладиган жўяли билимларни олиш билан шаклланади. Ўзбек тили ўқитиш методикасидан тўлиқ маълумотга эга бугунги кун ўқитувчилари дарс машғулотларида ноанъанавий талабларга ёндашиб, иш кўришлари ва бунда дарсга янги усул ва воситалар олиб кириш билан бирга мавзунини ўқувчига етказа олиши лозим. Мактабларда ўзбек тили фани гуруҳларга бўлиниб ўқитилиши билан ўзбек гуруҳлардаги 30-32 нафар ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанининг ўқитилиши таққосланганда улар орасида муттаносиблик бўлади. Чунки 12-нафар бир гуруҳда ўзбек тилини ўқитилиши ўқувчиларнинг кўникма ҳосил қилишига қулай, ҳамда дарс самарадорлигини оширишга қўл келади. Кўриниб турибдики, она тили ва адабиёт фанининг ўқитилишига кўпроқ дарс соатлари ва гуруҳлардаги ўқувчи и сонининг ўз ўрнида эканлиги таълим методини қўллаш билан бирга ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга замин яратади. Дарс самарадорлигини ошириш учун дарсларда ўйинлар, методлардан фойдаланганда дарсда шовқинли манзара ҳосил бўлиши, ўқувчиларнинг қобилиятини назорат этиши ,бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билим кўникмасини оширишга туртки бўлгандан кўра кўпроқ ўқувчининг руҳий ҳолатини бузилишига олиб келади. Албатта, бу ўқитувчининг янги педагогик технологиядан, интерфаол усуллардан фойдаланаётганлигига ишора, лекин

дарснинг самарадорлигини ошириш учун шовқинли гуруҳ ўйинларини ташкиллаштириш натижа бермайди.

Эътибор беринг, тожик миллатига мансуб ўқувчиларимизда кўпроқ талаффузда хатоликлар билан бирга ёзма нутқида х ва ҳ ундошларида, ёлашган ҳарф бирикмаларини қўллашда хатоликлар кўп учрайди. Демак ўзбек тилининг кенг маъноли эканлиги, луғатимизнинг бойлиги бизнинг она тилимизга бўлган эътиборни кучайтиради. Ўзбек тили фанини ўқитишда биринчи ўринда «Талаффуз ва имло меъёрлари» мавзусини мукаммал ўрганиш керак. Замонавий инноватцион усуллардан фойдаланиш учун «Хотира стратегияси» усулини қўллаш, унда товушлар талаффузи ва ёзилишига эътибор берилса, ўқувчилардаги билим кўникмаси ошади. Адабиёт фанини ўқитилишида ҳам ўқитувчи асарни шунчаки ўқиб бериш билан чекланмай, ундаги ғоя билан бирга она тилида ифодаланган давр воқеа- ҳодисалар ўқувчиларни сеҳрлаши, зерикмаслиги, асар орқали ўқувчиларнинг тафаккур олами кенгаяди. Ўқувчиларнинг дарсда фаол қатнашиши, қимматли вақтдан унумли фойдаланиши бирга ўқитувчи маҳоратини ўзининг кўникмасида намоён этади. Таълимда янги инноватцион ғояни тарғиб этиш, янги усул, янги методлар ўқитишдаги муаммолар ечимига йўл бўлади. Демак она тилини ўқитишда мавзу моҳиятини ўқувчиларга етказиш катта аҳамият касб этади. Йиллар давомида она тили бир тизимга солиниб ўқитилиб келинган ва ўша пайтдан буён она тилини ўргатишнинг қулай, самарали йўллари излашдан тўхтатилмаган. Нух пайғамбаримиз талофотдан сўнг башар зотидан нишона қолмаганда, 3-пайғамбарзодалар, мазкур 3 мамлакатларга ёйилдилар ва кўпайдилар. Нух алайҳиссаломга нисбатан беодоблик қилган ва отанинг муборак тилидан қарғиш олган фарзанд борган юрт Ҳиндистон аҳолиси бўлиб, уларнинг ўзга билмас ажи-бужи ҳарфлар, ўз тилларидек синиқ қалам тили билан сўз ифода этадилар. Энди туркий сўзлар билан форсий иборалар инсон қалбини гўзаллаштирадиган шарафли тил бўлиб қолди. Ҳар бир халқни тилини, миллатини қадрлашимиз, уларга ҳурмат билан қараш, шу билан ўз тилимизнинг бетакрорлигини унутмаслигимиз керак. Демак она тили бу миллатнинг руҳи эканлиги, у ҳаёт манбаи, бизнинг борлигимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Маърифатпарвар бобомиз айтганларидек, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур». Мустақиллик арафаси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, тил билан боғлиқ бўлган муаммолар орқали миллий ғуруримиз топталиб, ундан ғараз ниятда фойдаланилишига барҳам берилди. Ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, миллий кадриятларимизни англаб етганимиз, тасаввур қилган улкан ишларни амалга оширишимизга замин яратди. Она тилимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш учун,

фарзандларимизнинг чет тилларини пухта ўрганиши , албатта ахборот технологиясининг ривожланишида ,қўлимиздаги бор имкониятни келажак учун сафарбар этишга ўргатади. Бетакрор, жозибador, луғатга бой тилимизнинг сир-асрорларини ўрганиш учун бизнинг шиддат билан ривожланаётган компьютер даврда вақт тиғизлик қилади. Тарихий шаҳарларимизга саёҳат қиладиган бўлсак, у ер аҳолисининг инглиз тилида мукамал сўзлашаётганликларини тарихий меросларимизга таъриф бераётганликларида беихтиёр кўзимиздан севинч ёшлари пайдо булади. Бу бизнинг неча йиллар давомида ўзлимизни англамай, тарихий меросларимизни, олтину-маданга бой юртимизни қўлдан бой бермаганимиз шукронаси, қувонч кўз ёшларидир. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланганлиги , шу билан бирга бутун дунё мамлакатларининг гўзал юртимизга ҳавас қилишини шоҳид бўламиз, қачонки, уларнинг ироки дўппиларни, Марғилону- Чуст дўппиларини бошларига кийиб, кўзларида чакнаётган ҳавасни илғаганда ,яна бир бор ўз тилимизнинг бетакрорлигига тасаннолар айтамыз. Жаҳонгашта алломалар, буюк сиймолар авлоди эканлигимиз, йиллар давомидаги ўзимизнинг иқтидоримиз, қобилиятимиз билан вужудга келган теран фикрлар, унда жўш урадиган ватан мадҳи, меросларимизни кадрлаш каби буюк ғояларимизни кимларгадир кўш қўлладик. Пировардида, салкам асрлар мақтовини ,маънавий хазиналаримизни ,адабий меросларимизни унутдик .Лекин мустақиллик берган шарофат билан букилган кадрларимиз тикланди. Кадри баланд она тилига эҳтиром мадҳи жаранглади, бузгунчи ғоялар билан тилимизни қамраб олган луғатларнинг қўпол айтилишига барҳам берилди. Она тилимизнинг жаҳонда тутган ўрни, мавқеини , аҳамиятини юксалтириш учун янги ғоялар билан ўртоқлашиш, тинимсиз изланиш, ўқитувчига хос креативлик, ижодкорлик, кашфиётчилик хусусиятлари мавжудлиги, замон билан ҳамнафасликка чорлайди.

Тилга бўлган ҳурматни ўқувчилар онгида шакллантириш билан бирга ўзбек тили нуфузини оширишимиз керак. Чунки инсон қалбига миллий ғурурни, ўзликни, кадр - қимматни, маънавий қарашни тугиш учун биринчи навбатда тилни эъзозлаш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1. Она тили ва адабиёт . Ф.Рафиев, Н.Ғуломова. Тошкент-2004 «Шарк нашриёти»
2. 2. «Муҳокаматул-луғатайн» А.Навой
3. «Юксак маънавият - енгилмас куч» И.А.Каримов